

«Ла икроҳа фиддийни»

16:09 / 27.04.2016 4321

«Ла икроҳа фиддийни»–«Динда зўрлаш (мажбурлаш) йўқ» ояти маъносини аниқлаштириб берсангиз.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Динга мажбур қилиш йўқ. Батаҳқиқ, ҳақ ботилдан ажради. Ким тоғутга куфр келтириб, Аллоҳга иймон келтирса, батаҳқиқ, узилмайдиган мустаҳкам тутқични ушлаган бўлади. Ва Аллоҳ эшитувчи, билувчи зотдир. Ақийда, иймон масаласи инсон қалбига боғлиқ жуда ҳам нозик бир масаладир. Бу нарсани мажбур этиб, куч билан сингдириб бўлмайди. Балки ҳар бир инсон баён қилинган нарсаларга тушуниб, иймон келтиргандагина мақсад ҳосил бўлади. Исломда ушбу қоидага қаттиқ риоя қилинади. Аллоҳ таоло Ўзи:

«Динга мажбур қилиш йўқ. Батаҳқиқ, ҳақ ботилдан ажради», деб қўйган. Яъни, Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга Қуръони Каримни тушириб, Исломни жорий қилгандан сўнг тўғри йўл нотўғрисида, ҳақ ботилдан ажради. Ҳамма нарса ўз ўрнини топди. Шундай бўлгандан кейин «Динга мажбур қилиш йўқ». Ҳар кимга Аллоҳ ақл берган, ўзига керак йўлни танлаб олсин.

Ушбу қоидага амал қилиниб, тарихда одамларни, бошқалар каби Исломга мажбур қилиб киритиш бўлмаганидан, балки барча халқлар ўз ихтиёри, ишончи ва ақидаси ила Исломни қабул қилганидан, бу дин қаерга борса, ўша ерда ўрнашиб қолди. Мажбурий йўл билан тарқатишга уринилган ақида ва мафкуралар эса, бақосиз бўлди.

«Динга мажбур қилиш йўқ» жумласига тегишли кўп тарқалган тушунмовчилик ҳам бор. Ўзини мусулмон санаб юрган баъзи кишиларга мусулмонлик вазифасини бажариш зарурлиги эслатилса, дарҳол: «Динга мажбур қилиш йўқ», дейди. Бу-далилдан нотўғри фойдаланишдир.

Рост, сен яҳудий ёки насроний бўлсанг, сени Исломга мажбур қилиш йўқ. Лекин сен мусулмонлик даъвосини қилиб турсанг-у, ўз мусулмонлик вазифангни бажармасанг, бўлмайди. Демак, бу оятни динга олиб киришга мажбур қилиш йўқ, деб тушунмоқ керак. Бу эса инсоннинг ҳурмати, унинг ҳуқуқлари ҳимоясидир.

«Батаҳқиқ, ҳақ ботилдан ажради».

Ҳақдан мурод-иймон, ботилдан мурод-куфрдир.

Сўнгра оятда иймоннинг ҳақиқати яна ҳам равшанроқ баён қилинади:

«Ким тоғутга куфр келтириб, Аллоҳга иймон келтирса, батаҳқиқ, узилмайдиган мустаҳкам тутқични ушлаган бўлади».

Тоғут, «туғён»дан олинган бўлиб, Аллоҳ чизган чизиқдан чиқишга айтилади. Аллоҳнинг йўлидан бошқа йўлни «тоғут», дейилади. Тоғутнинг каттаси шайтондир. Дунёда куфр келтириш лозим нарса-тоғутдир. Иймон келтириш лозим эса-Аллоҳдир. Шунинг учун тоғутга куфр келтириб, Аллоҳга иймон келтириб, узилмайдиган мустаҳкам тутқични тутишга ҳаракат қилмоқ лозим.

«Ва Аллоҳ эшитувчи, билувчи зотдир».

У зот тиллар нимани нутқ қилса, ҳаммасини эшитади. У зот дилдан нима ўтса, ҳаммасини билади. Валлоҳу аълам.